

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

Ислом КАРИМОВ



3(47)-сон,
2017 йил, март

ІJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasি

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврӯз!
Алишер НАВОЙЙ



Байрамингиз муборак, азиз оналар, мунис опа-сингиллар!

Кишининг аёзли қаҳратон бағридан совқотиб чиққан одамлар баҳорга етиши орзиқиб кутишади. Ҳаётимизга, умримиз сарҳадларига, баҳор билан бирга улкан бир ёруғлик, ғамхўрлик ҳеч битмас-тутганса мөхр уммони оқиб киради. Айниқса, бизнинг мамлакатимизда баҳор аёлга эҳтиром, аёлга муҳаббат фаслига ўҳшайди. Баҳорнинг илк куниданоқ, ўзбек аёлининг ёрқин сиймоларидан бири Зулфияхонимнинг таваллуд куни нишонланади. Ватанимизнинг чекка-чекка жойларида ҳам ўтказиладиган байрамона анжуманларнинг баҳорий байрамларга уланиб кетиши кўнгилларни янада қувонч нурларига белайди.

Ўзбекистонимизда аёлни улуғлаш, унинг шаънини кўкларга кўтариш давлат сиёсати даражасида эътироф этилади. Йил сайин бу муҳтарам зотга бўлган бекиёс эътибор ва эъзоз турли кўринишларда

юксалиб бормоқда. Биргина мисол қилиб айтиш мумкини, миллатимизнинг энг намунали оқила, зукко, билим ва баркамолликда намуна бўлган 14 нафар қизларига илк баҳор кунлари ёқ Зулфияхонимномидаги Давлат мукофотининг тақдим этилиши ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Жорий йилда эса, бу юксак мукофот 15 нафар ўзбек қизига насиб этгани янада қувончарлидир. Яна бир нарсани қувонч билан таъкидлашни истардимки, бизнинг институтимизда ҳам янада қизларнинг ҳам эзгу мурралар сари интилишларига янада шижват ва матонат бағишлиайди. Фикримнинг яққол исботи сифатида мамнуният билан таъкидлашни истардимки, Нарзуллаева Малика Наъбижон қизи, Ортиқова Гулчехра Абдураим қизи, Мўминова На-

зокат Сойибжон қизи сингари, намунали хулқли ва етук салоҳиятли талаба қизларимиз институтимизнинг фаҳри, ёруғ юзига айланиб улгуришган.

Шунингдек, сир эмаски санъат ва маданият ўчоби бўлган даргоҳимизда аёллар ҳам эркаклар билан тенгма-тенг хизмат қилишади. Айтиш ўринлики, институт жамоаси орасида, ардоқли, таниқли устоз-үқитувчилар, қолаверса, талabalар орасида фидойилиги ва ўз касбига садоқати билан обрў-эътибор қозонган, ҳурматга эга бўлган Содиқова Муаттар, Гўзал Холиқулова, Муҳаббат Тўляходжаева, Қундуз Нишонбоева, Сарвиноз Қодирова, Лариса Крюкова, Ольга Васильченко каби нозик ҳилқат вакилаларининг номларини алоҳида келтириб ўтишни жуда-жуда истардим.

Муҳтарам аёллар, қимматли опа сингиллар!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат

ИЛҲОМ ФАСЛИ

Ястаниб ётади далалаф,
Шамоллаф соллафни силанди.
Сайфиди авлонфани лолалаф,
Сағида шабнамлаф ухлайди.

Ҳаёллум фиғраб хонқизи,
Шивиғлар фаноҳи вллағи.
Шодикдан мавжудлабиб денизлар,
Муффувват улатаф қўллағи.

Чаккасия ғайҳонлаф таҳиб,
Сувия һиҳар позланиб қизлар.
Анзифлағиа ҳислағи тұғқиб,
Жилемалди масғұф липпездар.

Илроқлардан талпиниб аста,
Ҳалдириғлар қелмоқда шу он.
Кел-келағол, қалбимда лаша,
Баҳор сендан олағин илҳом!!!

Бобур УБАЙДУЛЛАЕВ,
Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши 2-курс талабаси




байрами —
8-март Хо-
тин-қизлар
ҳ а м д а
Наврӯз айе-
ми билан
қизғин му-
бо рак б о д

этаман. Сизга ва хонадонингиз аҳли-
га тинчлик-хотиржамлик, тан-си-
ҳатлик, фарзандларингизга баҳту са-
одат тилайман. Оналар учун фар-
зандининг камолатидан-да ортиқ са-
одат йўқ. Барчангиз фарзандларин-
гизнинг яхши кунларини, қувончу-
шодлигини юксак мэрраларни забт
этганини кўришингизни астойдил
тилайман. Сизлар хонадонимизнинг
шамчироғи, ҳаётимизнинг дуру га-
вҳарисизлар. Сизлар борки, умри-
миз йўллари ҳамиша равон ва ёруғ-
дир.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
институт ректори,
профессор

Институтимизда бўлиб ўтган байрам сайлидан лавҳалар



**“Халқ ижодиёти” факультети ўкув ишлари бўйича
декан мувонини Сухроб ХИДИРОВ**

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДАН КЕЙИНГИ МУЛОХАЗАЛАР

Мен ЎзДСМИ профессор-үқитувчилари ва талабалари ҳаётида интернет ва ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти қай дарражада эканлигини аниқлаш мақсадидан тузилган социологик аноним анкетани тўлдиришига уриниб кўрдим. Сўровим аноним хусусиятга эга бўлиб, сўровдан ўтказилган шахс тўғрисидағи маълумотлар сир тутилишига кафолат берилди, берилган жавоблар фақат умумлашган ҳолда талкик килинди.

Сизга шундай мазмунда институмизнинг 3-босқич талабалари мурожаат қилишдими? Ажабланманг, буталабалар шунчаки социология фанидан оралиқ назоратини тошириш учун дала тадқиқоти ўтказмоқдалар. Ушбу тадқиқотлардан сўнг олий-гоҳимизда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда таҳсил олаётган талабалардан ўтказилин тадқиқотдан олинган умумий натижалар ҳақида жуда кўп мурожаатлар бўлди. Бу саволларга жавоб тариқасида ўтказилган ижтимоий сўровнинг умумий натижаларини келтираман.

Үтказилган тадқиқотларда социологиянинг икки хил сўров усулидан туридан фойдаланилди. Булар, анкетали ва интервью сўровлардир. Аноним, яъни шахсингиз маҳфийлиги таъминланган анкета сўровлари институмизда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг интернет глобал тармоғидан қайси мақсадда ва қай тарзда фойдаланаётганлиги, ижтимоий тармоқнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш, шунингдек, глобал тармоқдан фойдаланиши маданиятини шакллантиришига қаратилган бўлиб, жами тадқиқотда интервьюер сифатида 158 нафар талаба иштирок этди. Ўртacha ҳисобда 1500 дан ортиқ респондентларнинг фикри ўрганиб

чиқылди. Ушбу күрсаткыч қамрови институтимизнинг бутун континенттегини таъминлатади. Демак, фан тилида айтилганда танланган объектнинг умумий мажмуаси деярли тўлиқ қамраб олинган. Бу факт тадқиқотимиздан олинган натижалар реал воқеъликни тўлиқ ифода этади деб айтишга имкон беради.

Аноним сүров натижалари шуну күрсатдикі, 92% тадқиқотда иштирок этган респондентлар internet ва ижтимоий тармоқтардан фойдаланишишади. Янги маълумотларни 37% респондентлар айнан internetдан олишишади. Бу борада телевидениенинг улуши 41% дан күпроқлар.

Мен учун муҳим ахборот ва реклама базаси деган саволга 51% респондент жавоб берган бўлса, 34% респондент учун мулоқот воситаси ҳисобланар экан. 53% респондентлар 1 ёки 2 та ижтимоий тармоқга аъзо бўлса, 28% респондентлар 3 ёки 4 тагача ижтимоий тармоқдан фойдаланаар экан. 35% респондентлар ижтимоий тармоқларга аъзо бўлишни замон талаби дея кўрсатиб ўтишган. Қизиги шундаки, ижтимоий тармоқдаги ортирилган дўстларнинг ўртacha ҳисобда 30-40% респонденлар учун бегона ҳисобланар экан. Сўралган респондентлар орасида [odnoklassniki.ru](#) ижтимоий тармогининг фойдаланувчилари жуда кўпчиликни ташкил қиласар экан. Иккинчи ўринда Facebook, ундан кейин Telegram, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлар бу рўйхатни давом эттиради. Кўриниб турибдики, [odnoklassniki.ru](#) фойдаланувчилари институтимизда жуда кўпчиликни ташкил қиласади. Бундан ажабланиш керак эмас, чунки Россия сайтларидан ижтимоий тармоқларга оид олинган статистик маълумотларга кўра 2015 йилнинг биринчи чо-

рагигача дунё миқёсида ушбу ижтимоий тармоқдан фойдалана-нувчиларнинг умумий сони 1 миллиард 35 миллион кишини ташкил қиласди ва Ўзбекистондан ҳам машҳурлик бўйича биринчи ўринни эгаллаб, шу тармоқдан жами фойдаланувчилар сони 660.000 нафар кишини ташкил этади. Олингган маълумотлар ичидаги яна бир ҳолат жуда ҳай-ратланарлидир. Тадқиқотда асо-сан ёшларнинг улуси салмоқли бўлишига қарамай internetдан ўқув амалиёт мақсадларида фой-даланиш учун атига 44.5%ни ташкил қиласди. Бу кўрсатич ёшларимиз орасида internetдан тўғри фойдаланиш, улар ораси-да internetдан фойдаланиш ма-даниятини ошириш борасида кўламли ишлар олиб боришга ундаиди. Агар дунё миқёсида ўтказилган сўровнома натижаларига эътибор қаратсак, маса-лан, АҚШ ва Британия талаба-ларининг 70% дан ортиқроғи ўқиши, таълим олиш учун фақат internetдан фойдаланишар экан.

Албатта, ўтказилган сўров бизга жуда кўп муҳим маълумотларни берди. Тадқиқот на-тижаларидан олинган маълумотлар таҳлили ҳали ҳам давом этмоқда. Тақдим этилган фактлардан умумий ҳулоса ясар эканмиз, институтимиз ёшли-рининг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлишлари буғунги кун талаби эканлигини, айниқса, бетона шахслар билан мулоқотдан иложи борича ўзларини тишиш, доимо огоҳ бўлишлари лозимлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Internet глобал тармоғидан фақат кўнгил очиш, енгилелши мавзулардаги маълумотлар, ўйин кулгу учун эмас, ўзларининг зиммасига юкланган билим олишдек масъулатларидан келиб чиқсан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ОЙНАИ ЖАХОН ФИДОИЛАРИ

Буюк рим нотиги Сицерон шундай деган эди: "Сухандонник шундай сифатки, унга осонникча эришиб бўлмайди ва жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади". Бугун телевидениясииз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз.

Ойнаи жаҳон барчамизга таъсир ўтказувчи электрон ахборот воситасидир. У орқали биз нафақат юртимизда, балки бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалар ва сўнгти янгиликлардан боҳабар бўламиз. Бунда ахборотларни барчага тушунарли ва қўнгилга етказиб беришда суҳандонларимизнинг ўрни беқиёсдир. Хабарларни тўгри, аниқ ва равон ўқиб эшиттириш албатта, катта масъулият ва кучли билим талаб этади.

Бундай сифатларга эга бўлиш учун эса журналистика соҳасини мукаммал ўрганиш, ўз устида тинимсиз изла-ниш, кўпроқ, китоб ўқиш, дунёқарашни кенгайтириш муҳимдир. Телевидение сухандонлари ҳақида гапирган-да, шубҳасиз биз учун афсонага айланган дикторларимиз "Насиба"ларни тиага олмасликнинг иложи йўқ. Бу аёл-лар бевосита Ўзбекистонда телевидение тарихини ярат-ган инсонлардир. Улар яратган "сухандонлик мактаби" эса бугунги кунда юзлаб, балки минглаб сухандонлар-нинг фаолиятига асосдир, десак муболага бўлмайди.

"Драматург +" тўтарагининг бу галги меҳмонлари ҳам айнан ойнаи жаҳоннинг машҳур инсонлари Насиба Қамбарова ҳамда Насиба Иброҳимовалар бўлиши. "Суҳандонлик санъати" номли ушбу учрашувда тўтарак



мехмонларининг телевидениеда дикторлик фаолиятининг илк жараёнлари қисқа метражли "Қалб қариғдаги гўззалик" (реж. Д.Абдураҳимова), "Биринчилар" (реж. Б.Мирпўлатов) фильмларининг намойиши барча ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдириди.

Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сухандон Насиба Қамбарованинг ҳаёт фаолиятига бағишланган фильм ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Унда дикторнинг шахсий ҳаёти, талабалик йиллари, ижодий кечаларда дутор чалиб газал ўқишилари, умуман, 35 йиллик фаолияти давомидаги ахборот кўрсатувлари, концерталар, телевизион журналлардаги чиқишилари ёритилган.

Модератор Оманулла Ризаев қисқа бўлсада, ҳар икки дикторларнингижодий фаолияти, уларнинг диктор бўлиши билан бирга актёр, шоир ҳамда фаол раҳбар эканликларини бетакрор мисоллар орқали гапириб берди. Насиба Иброҳимова эса томошабинларга ўзининг "қулоққа ёқадиган" гаплари билан сухандонлик ўта масъулияти касб эканлиги уни пухта эгаллаш учун кўпроқ китоб ўқиш кераклигини таъкидладилар.

Тадбир сұнғыда талабалар ўзларини қизиқтирган са-
вoddарига жағоб олишады.

**Гавҳар НАЗАРОВА,
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик”**

Институт хабардари • Институт хабардари • Институт хабардари • Институт хабардари • Институт хабардари

КАМОЛОТНИНГ ЯНА БИР ТУХФАСИ...

2017 йил 2 март куни “Камолот”
ЁИХ бошланғич ташкилоти томони-
дан муддатын харбий хизматни ўтаб

имтиёзли тарзда ўқишига қабул қилинган талабалардан тест қабул қилинди. Шу кунга қадар 13 нафар талабанинг ҳужжатлари қабул қилиб олинди ҳамда улардан 7 нафари тест синовини топшириди ва ундан мувваффақиятли ўтди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу талабаларга энди “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгашин томонидан 35% даги контракт суммаси тўлаб берилади. Бу давлатимизни ёшларга берилаётган кенг имкониятларидан бироридир.

Мирзо Улугбек тумани “Камолот” ЁИХ раиси Шерзод Оли-

мов тест синови мобайнида раислик қылди. Талабалар юқори натижалар билан тестларни топширишиди. ЎзДСМИ “Камолот” ЁИҲ бошлангич ташкилотида “Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишига қабул қилинган талабалар билан ишлаш” йўналиши сардори Отабоев Икром сингари муддатли ҳарбий хизматни ўтаб ўқишига кирган талабаларнинг фаоллиги ҳам бу борада жуда аҳамиятли. Бу каби талабалар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда салоҳиятидан кенг фойдаланиш чоратадбирлари кенг тарзда олиб борилмоқда.

Хар томонлама илфор, билимли, юк-



сак маңнавиятли ёшлар түртимиз келажаги. Бу борада “Камолот” ёшлар-нинг ҳам мустаҳкам қалқони ҳам учкүр канотидир!

ШАҲНОЗА РУСТАМАЛИЕВА, 1-босқич “Ихтимоий-маданий фаолият” бўлими тарабаси

ОБРАЗ ВЕСНЫ В ЛИРИКЕ ЗУЛЬФИИ

Рассмотрение литературы первой половины XX века было бы неполным, если не обратиться к творчеству народной поэтессы Узбекистана Зульфии (1915-1996). Она не только ярчайшая представительница так называемой "женской" поэзии рассматриваемого периода, но и талантливейший поэт-лирик, способствовавший созданию "женской" поэтической школы в узбекской литературе XX века. Наряду с такими поэтессами, как Ойдин, Саида Зуннунова, Зульфия стояла у истоков "женской" литературы новейшего периода. И ее заслуги были по праву оценены современниками. Она была героем труда, лауреатом Государственной премии Узбекистана им.Хамзы, Международной премии им.Д.Неру... Ее проникновенная лирика завоевала сердца миллионов читателей во всем мире.

Первое стихотворение "Молодое племя" Зульфия опубликовала в 1930 году на страницах газеты "Еш ленинчи". Это было огромным событием в ее жизни. Оно открыло молодую поэтессы, и вскоре на страницах ряда газет и журналов стали появляться ее новые произведения. Первый сборник ее стихов назывался "Страницы жизни" (1932). Молодая семнадцатилетняя поэтесса подводила своеобразный итог. Вспоминая этот сборник, Зульфия писала: "Трудно вспомнить об этом без улыбки, но что делать? Юность

ожаждет выглядеть многоопытной ничуть не меньше, чем старость — юной..." И все же нужно отметить, что сборник был принят хорошо.

Второй поэтический сборник Зульфии "Песни девушки" увидел свет лишь в 1939 году. Это уже был более серьезный поэтический опыт, характеризующийся не только искренностью и лиричностью автора, но и мастерством, умением достаточно хорошо владеть техникой стиха.

Чувствовалась твердая, умелая рука Мастера. Здесь надо отметить, что уже несколько лет (с 1935 года) Зульфия была замужем за Хамидом Алимжаном, который был наставником для молодой поэтессы, первым слушателем и требовательным редактором.

В грозные годы войны поэзия Зульфии зазвучала в полный голос. Она с самого начала своего творческого пути стреми-



самого дорогого для нее человека. Поэт Кайсын Кулиев в эти годы писал: "Когда к Зульфии пришла большая неожиданная беда, она не опустила крылья, не сломалась. Так чаще всего поступали крупные художники. А у них мы должны учиться не только художественному мастерству, но и жизненной стойкости, мудрости".

Много замечательных стихотворений написала за свою долгую творческую жизнь поэтесса Зульфия, но цикл, посвященный Хамиду Алимжану, лучшее, что создано ею.

Поэзия Зульфии многообразна. С годами она обогащается, переливаясь новыми красками, темами, образами. Много произведений создала поэтесса в последующие годы. Это и замечательные поэмы, и, главным образом, прекрасные лирические стихи. Хотелось бы остановиться лишь на одной детали в творчестве поэтессы. Ее любимым образом, проходящим через все творчество, является образ Весны. И в раннем творчестве, и значительно позднее Зульфия обращается к теме пробуждения природы, когда все вокруг обновляется, когда мир вновь покрыт разноцветными красками, когда в душе человека просыпаются прекрасные чувства.

Хамдам ИСМОИЛОВ,
доцент кафедры
«Языков и литературы»,
кандидат филологических
наук

ТАЛАБА ДАСТХАТИ

ТАЛАБАЛЫҚ ӨМИРИМ БӘХӘРИ

Жагымлы тәбияттың сұлығы, кориқи қориниси, қүыштың откір нұрлары кеүілдерди жүгөд күйантырады. Қарақалпақ елінің бәхәриде озегеше бир гөззаттықта иш болғанындағы Үстүрт тегислигинен басланған көкелемзарлық Некис қаласының бағдарына шекем дауым етеди. Кеүілдерге көтериңкі рүх бағылауды бүл бәхәр аймын биринши рет Ташкенттегі қаласында күтпін алғаны менің құйанышым ҳәм жетискенлигім. Бундай құйаныштың себептесінде әлбетте Өзбекистан мәмлекеттік коркем өнер ҳәм мәденият институтының талабасы болғаным. Ташкент қаласындағы бәхәриде Қарақалпақ үлкесиндең бәхәриндең озине тән озегеше, жағымлы, кеүілге хош жағауыштың бир қосынқа үқсайды. Жақында болып откен талабалар фестивалында бүгингі көлешек жасларының көзлеринде сыйқырылғы жасының түрган жасындағы бәхәр тымсалын корип соны туисинде жеттім.

Талабалық — бул өмірдің ең коркем бәхәри екен. Әсіресе өз тәңгеслерің досларың менен билим жүртүнде бирге билим алғындың күнделеклиқ сабактарға қатнасын талабалық зақын сүрүй жағымлы есекен бәхәр шамалындағы. Усындағы кишикене тикиримди жасаң екенмен қалбимде және бир мәрте бәхәр шамалындағы жасалықтың откір жасалының коргендей болды. Сонын менен бирге алыс Некис қаласындағы бәхәр ийисин гөззаттың сезін үсіндей қосынқа қатарлары мениң толқынлантырады.

Баҳар келди елимизге,
Хош ийислер таратып,
Күйаныш ҳәм шадлық келди,
Күшақтарын кең ашып.

Қосынқа айтып Наурыз келди,
Данқ таратып көклерге,
Мехір, жылды сезім келди,
Тәбиятты дөндіріп.

Айнагүл КАЛБАЕВА,
МСМТЭБ бөлімінде 2-курс талабасы.

лась говорить от имени своих современниц, сверстниц. В годы Отечественной войны ее голос звучит особенно сильно. Русский поэт Владимир Луговской, отмечая эту особенность, писал: "Стихи Зульфии занимают в военной поэзии Узбекистана совершенно особенное место". Помимо традиционного, свойственного ее поэзии, проникновенного лиризма, в творчестве Зульфии появляются новые интонации. Это, прежде всего, гражданское, патриотическое звучание. По-новому она решает тему Родины, женской верности, любви. Если вначале тридцатых годов это были только душевые переживания, внутренний мир влюбленного в жизнь лирического героя, то теперь многие понятия несколько переосмыслились.

В 1944 году в автокатастрофе погиб Хамид Алимжан. Это был жестокий удар судьбы. Зульфия потеряла

Институт хабарлари • Институт хабарлари • Институт хабарлари • Институт хабарлари • Институт хабарлари

МЫ ВИР ШОЯ ЧИШИЛСИ ҚҰДА ОЧАИ!

Институт "Маънавият ва маърифат" ишлари бүйінча проректор Мулланов Дағлат Мавлонович ташаббуси билан институттинг "Саҳна нұтқи" кафедрасы үқитувчилари бошчилигида "Бадий үқиши" түгәраги ташкил этилди. Түгәрак 2017-йилнинг 18-февралидан өттиборан, үз фаолиятими бошлагани барчамизга катта хурсандчилік бағишилади. Бу ҳақида институттинг "Мұйжаз ватаним" радиоси орқали "Саҳна нұтқи" кафедрасы катта үқитувчиси, сүз устаси, маҳоратли радиобошловчи Баҳодир Мағдиев шахсан үзлери эълон қилди. Айнан биринчи бадий үқиши түгәрагидаги машғулотни айнан устоз Баҳодир Мағдиев бошлаб бердилар. Шахсан мен институттинг ОАВ бирлашмаси аязоси, қолаверса, қизиқувчи талаба сифатида ушбу түгәрак дарсида иштирок өттім ва бу қадам бежизга қойилмаганига амин бўлдим, боиси машғулотдаги билимларни биз чиндан ҳам әгаллашимиз зарур. Бўлажак санъат соҳаси вакили ёки раҳбари сифатида нұтқ маданияти, муомала санъати, нотиклик кўникмаларини чуқур әгаллай билиш олдимизга қўйилган энг муҳим масалалардан биридир. Тўғаракда шеър, тасвирий парча, бадий парча, ғазал үқиши, нотиклик санъати, муомала санъати кўникмаларидан сабоқ берилади. "Бадий үқиши" түгәраги ҳафтанинг ҳар шанба куни соат 15⁰⁰ да 6-4.2 үкув хонасида бўлиб ўтади. Барчангизни ижод чашмасидан баҳраманд бўлишга чорлаб қоламиз!!!

1-босқич "Ижтимоий-маданий фаолият"
бўлими талабаси,
ОАВ Ижодий бирлашмаси аязоси
Шаҳноза РУСТАМАЛИЕВА

КИМ АЙБДОР?

Яқында институттимизда бир видеофильм намойиш қилинди. Унда бир аёлнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, фарзандлари учун ҳам ота, ҳам она бўлиб икки ўғлини вояга етказгани, уларни ўқитгани, ҳеч кимдан кам бўлмасин деб ўзини ўқса, чўққа ургани, уларга ҳаром луқма едирмаслик ниятида қандай оғир меҳнатлар қилгани, лекин ўша онаизорнинг авайлаб ўстирган фарзандлари ёлғон ваъдаларга ишониб манқуртлар сафидан жой олгани ҳикоя қилинади. Эндиликда она бутун омма олдида бошини эгиб, шундай ваҳший ўғилларга оқ сут берганлиги, уларга умр тилаб дуо қилгани учун ўзидан нафралланмоқда. Фарзандлари вояга етгунча қандай пок ниятлар қилганди, ахир. Барчаси сароб бўлгач, энди унга ёвнинг онасига қарагандек, қараб турган кўзларга нима десин? Шундай нонкўр фарзандларни дунёга келтирган бир муштипарни айбдор, деб унга тана тошларини отишмоқда. Кошки, ўша болалар онасининг аброр ҳолига ачинса. Биз ҳам ҳеч иккимасдан фақатгина шу онани айбдор дея оламизми? Ахир, бир фарзандга етти маҳалла ота-она дейишади-ку. Шундай экан, биз ҳаммамиз, ёшу қари бирдек жавобгар эмасмизми? Бирорни айбдор қилиш билан кўнглимиз тинчиди, холос. Биз буюк инсонларнинг авлодларимиз. Юрагимиз ҳам, қилган ишларимиз ҳам, ўйларимиз ҳам ва ҳатто қарорларимиз ҳам аждодларимизга хос одил бўлмоғи керак. Шундай экан, ўша ўғиллардек инсонлар орамиздан ортиқ чиқмаслиги учун ҳамиша хушёрга оғоҳ бўлайлик. Дарбадар юрган юртфурушлар хуни эса яратганга ҳавола.

Мавжуда ТОШЕВА,
“Театршунослик” бўлими 1-курс талабаси

КИЙНИШ МАДАНИЯТИ ВА ИНСОН МАДАНИЯТИ

Инсон маданиятлилигининг асосий белгиларидан бири бу кийниш маданияти бўлиб, ким қандай кийингилигига қараб унинг дид-фаросати, касбини аниқлаб олиш мумкин. Кийиниш маданияти инсоннинг ташки қиёфаси, маънавий дунёси, эстетик диди, ахлоқий сифатлари, аклий салоҳиятини ифода этадиган тушунчадир. Аниқроғи, киши учун энг яхши визит карточкаси-унинг ташки қиёфаси, кийимири.



Халқимиз азалдан ҳалоллик, покизалик, имон-эътиқод, инсофидиёнат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, камтарлик, ватанга садоқат каби фазилатлари билан жаҳонга танилган. Инсон маъниятини юксак пағоналарга кўтариувчи мана шу омиллар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, халқимизнинг бойлиги сифатида эъзозланган. Бу ажойиб ҳислатлар бизнинг юртимизда биринчи навбатда, оиласда ота-оналар томонидан фарзандлар қалбига ёшлиқдан чуқур сингдирилиб келинади. Шу жумладан кийиниш маданияти ва одобида ҳам бизнинг аждодларимиз ҳавас қиларли даражада ажралиб турганлар.

Башарият тарихидаги улуғ сиймолардан бири ҳужжату-л-ислом мақомига мусассар бўлган имом Абу Ҳомид Фаззолий “Эй фарзанд” рисоласида “Эй фарзанд! Одоб бир неча кўринишга эга. Инсон аввало, кийиниш одобларини яхши билмоғи лозим”, деб кийиниш одобини биринчи ўринга қўяди.

Хаттоки кўхна битикларда кийим билим, дид, уят, фаросат каби инсоний фазилатлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Кийим инсон маданийдаражасинингасосий белгиларидан биридир. Кишининг кийинишига қараб, унинг нафақат маънавий, маданий даражаси, балки моддий ахволи, касби, мавқеи, ҳатто эътиқодини ҳам аниқлаш мумкин.

Кийиниш маданияти кишининг дидини билдиради. Дид кишининг ўзига ярашадиган ҳамда ўзи

ва ўзгаларга ёқадиган кийим танлашда яқзол кўринади. Масалан, расмий учрашув ва музокара пайтида кийиладиган кийим ўзига хос кўринишда бўлиб, тантанабоп кийимларни мулоқот пайтида кийиш жуда хунук кўринади, ёки кўча кийимида” театрга бориш” ҳам нотўғри эканлигини тушуниб етishimiz керак. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, баъзи бир қизларимиз “мода” деганда муайян ижтимоий гурух, кишилар орасида уларнингтаъбига, дидига москимиш одатининг маълум вақтгача расм бўлишини кўр-кўrona тушуниб, бадиий-эстетик дид бериб турдиган кийимларидан воз кечиб, ўзларига ярашмайдиган, шарқона ибо-ҳаёни ҳам сўйистемол қилиб ярашмайдиган кийимларга ружу қўймоқдалар. Энг ачинарлиси, бундай талаба қизлар бизнинг институтимизда ҳам учраб турибди. Аслида, мода ижтимоий ва бадиий эстетик жараёни, ўзига хос услубни топиш, юриштуриштарзи, дид ва ички маданиятининг намоён бўлиши ҳамdir. Демак, инсон мода учун яшамайди, аксинча мода инсон учун яратилади. Кийиниш маданияти инсоннинг маънавий дунёси ва ҳакиқий қадр-қиммати унинг модага мос кийинишида эмас, аввало ораста, тоза, тартибли, ўзига ярашадиган кийинища намоён бўлади.

**Кундуз НИШОНБОЕВА,
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти**

Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Бош муҳаррир
Озода БЕКМУРОДОВА

Таҳрир ҳайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Антонино КОШЕЛЕВА
Рашид УСНАТОВ
Нафиса РАЙМУЛОВА
Муҳаррам БОЗОРОВА

Масъул котиб
Шавкат ДЎСТМУХАММАД

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонҷоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 374-24-25;
+99871 230-28-13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчик тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бопшармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

“Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими” З-босқич талабаси
Моҳларойим АҲМЕДОВА

Лобар хиёбон оралаб автобус бекатига келди. Бир бурчакда ўтирганча одамларни кузата бошлади. У бутун чипдан ҳам гўзл, буни кўзгуга қараганда ўзи уччалик сезмаган бўлса ҳам атрофдагиларниң ўнга бўлган муносабати ва очиқ, ошкора ҳушомадларидан билиниб турибди. Ўзи ҳам астойдил ҳаракат қилиб минг ҳаяжон билан таҳририят биносига қадам босди, асабийлашганидан овози буғила бошлади. Суҳбат учун бош муҳаррир хонасига бораёттандада эса овози чиқмай қолди, залда курсдош дугонасини кўрди-ю ўзини бироз қўлга олишга ҳаракат қилди. Йўқ барибир ички ҳаяжон вужудини эгаллаб ултурганди. Нима бўлар экан, ишга қабул қилишармикан?

Суҳбат аъло даражада ўтди. Унинг қўлига ишга кириш учун ҳужжат йигаверинг дея рўйхат беришганда кўз олдига онасининг кулиб турган чехраси келиб кетди. Мана у кутган кунлар... ҳаммаси жуда яқин...

Бош бекат бўлғанлиги учун ҳам бекатга келган автобус бўмбўш эди. Лобар автобуснинг энг охирги ўринидигига бориб ўтироқчи бўлди. Унга шуниси қулаёт бемалол ҳаёл суради, то манзилга еттунича қимирламайди. Лобар автобус тутқичига илиниб қолган шарфини олиш учун эгили-ю, ўриндиқлар орасидаги китобга кўзи тушди. Бундай нодир асар топиб олганидан ўзи ҳам қувониб кетди, деразадан кўриниб турган тунги шаҳар ёғдулари эса уни кутлаёттандек эди.

Лобар ўз манзилига 3-4 бекат қолгунича осмонларда учиб юрди, ҳар куни ишга бориб келишини тассаввур этиб, хаёлида дунёни кезиб чиқди, ўз ўйлари билан бўлиб, тоҳжилмаяр гоҳида эса қулоқчидан чиқёттган садоларга монанд тебраниб қўйарди. Шу пайт ногаҳон қандайдир нигоҳ уни таъкиб этаётганини сезиб қолди. Аввалига эътибор бермади. Сўнг, нотаниш нигоҳ ўнга шу қадар тикиларди, Лобар утун бу жуда қизиқ ўйин бўлиб туолди. Йигит Лобардан бир илинж кутиб тургандақ ўнга тикиларди, қиз кўзларини одамлар панасига қанчалик олиб қочгани сайнин йигит у томон шунчалик интилар эди. У ўзини ухлаганг солиб нотанишдан кутулмоқчи бўлди, лекин кор қилмади. Йигитнинг нигоҳлари ҳали ҳам ундан узилгани йўқ. Лобарга бу ич-ичидан ҳузур бағишилай бошлади. Чунки у 18 ёшли гўзл ва дуркун Лобарни жуда соғинган эди. Ўша пайтларда қаерга бормасин Лобарнинг ишлари ўз-ўзидан битиб кетаверар, ким билан танишмасин, албатта, ўнга ҳушомадлар ёғиларди.

Демак ҳали ҳам гўзл эканманда деган ўйлар Лобарнинг юзига ним табассум тортқилади. Нотаниш эса зич ўйловчилик орасидан ўтиб у томон яқинлашиб қолган ҳам эдики, Лобарда ўз манзилидан бир бекат олдинда тушиб қолиши истаги туғилди. Бунинг утун ўзига ўзи баҳоналар топа бошлади.

Айнан у кутгандақ бўлиб чиқди нотаниш йигит Лобарнинг бекатида тушиб қолиб у билан изма-из кела бошлади. Лобар қадамини теззатган сайнин йигит ҳам унга етиб олиш пайига тушган эди. Лобар нотанишни синаб кўрмоқчи бўлиб, супермаркетга кириб чиқди, йигитнинг ҳам унинг ортидан кириши қизнинг фикрларини тасдиқлади. Нотаниш йигит, унинг ортидан келаётганига энди шубҳа

қолмаган эди.

Борган сайин бу ўйин Лобарни завқлантираверди. Билдирилсан кўз қири билан нотаниши текшириб чиқди. “Бўй басти баланд, юзи иссиқ, автобусдаги йўл чиптасига қараганда талаба бўлса керак, келишган йигит экан” — деб ўйлади Лобар. “У мени ёқтириб қолдимикин... бўлмаса нега бунчалик тикилади

менга, ёки кимгандир үҳшатаяптими? Бекордан бекор ортимдан изма-из келмайдику ахир, балки ...балки у мени... йўқ нималарни ўйлајпман” хаёлларини қувишга уринди Лобар. Нотаниш йигит эса ҳамон изма-из келарди. Борган сари йигит ташлаган шахдам қадамларининг товуши Лобарнинг юрак уриши билан қоришиб кетаёди.

“Хозир етиб олади-ю менга гап қотади, нима деб жавоб берсан экан” — ўйларди Лобар. Ҳаёлида шу бутунгача унга ошиқ бўлиб юрган ҳамма йигитларни гавдалантириди ва нотанишнинг ёнига қўйиб, солиштириб чиқди. Уларнинг ҳар биридаги ёқимли жиҳатлар мана шу йигитда мужассамдек эди. Лобарнинг сабри тутай бошлади муюлишга етганларида йигит етиб олиши учун атайнин қадамини секинлаштириди ва улар ёнма-ён келишгач савол нигоҳи билан аста йигитга бўди. Лобар йигит унга нималар дейишини тасаввурида жонлантириб кўрди ва нафас олиши тезлашиб кетди. Нотаниш йигит ҳам минг ҳижолатда қиздан нима жавоб олишини билмай, гап бошлашга сўз ахтаради.

Ва ниҳоят қизнинг интизор нигоҳлари йигитни тилга киргизди. “Кечирасиз сизда гапим бор эди”.

Минг асрлик сукутдан сўнг айтилган каби бу сўзлар Лобарнинг ҳаяжонини ошириб юборган эди.

“Эшитаман” — деб оҳиста жавоб берди Лобар, гўё юрагининг уришини йигит эшишиб қолишидан чўчиб.

“Биласизми... М.М...Мен, мен.....нима десам экан....

Лобарнинг вужуди қулоқда айланиб “эшитаман, гапираверинг” — дегандай, чарос кўзларини янада каттароқ очиб турарди. Шу онда йигитнинг ўйноқи нигоҳлари қизнинг кўзларидан тараалётган ёғдулар билан тўқнашиб кетаёди. Ҳаяжон гирдобида қолган йигит дудуқлана-дудуқдан сўзида давом этди: “...б...б...буни сиз қандай тушунасиз билмайман-у, севги бу — илоҳий туйғу, севилган одам учун эса севгилисининг тұғаси унданда мұқадас бўлади, қўлингиздаги китоб менинг түғилган кунимда олган совғам эди”.

Газета институтнинг таҳирият ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ. Нусхаси — 1400 дона. Баҳоси келишилган нархда. Чоп этишга 25.03.2017 да топширилди.